

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

**«Халқаро туризм ва туризм сервис»
кафедраси**

Маматқулов Х.М. Даминов .М.И.

**«МЕҲМОНХОНА ВА ТУРИСТИК КОМПЛЕКСЛАРДА
ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ»**

фанидан

Ўқув - услубий мажмуа

САМАРҚАНД – 2010

Маматқулов Х.М. Даминов .М.И. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» Ўқув-услубий мажмуа. Самарқанд: СамИСИ. - 2011- 212 бет.

«Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фанидан ўқув-услубий мажмуа Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Халқаро туризм ва туризм сервис» кафедрасида ишлаб чиқилди. Ушбу ўқув-услубий мажмуада талабалар « Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш » фанини мустақил ўрганишлари учун барча ўқув-услубий материаллар мавжуд. Мазкур ўқув-услубий мажмуа олий ўқув юртлари «Туризм менежменти», « Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш », « Халқаро туризм операторлик хизматлари » каби таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган. Ундан туризм бўйича касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳам фойдаланиши мумкин.

Тузувчи:

Х.М.Маматқулов	- «Халқаро туризм ва туризм сервис» кафедраси доценти.
Даминов .М.И.	- «Халқаро туризм ва туризм сервис» кафедраси ассистент.

Такризчилар:

Тухлиев И.С.	СамИСИ «Халқаро туризм ва туризм сервис» кафедраси мудири, профессор, и.ф.д.
---------------------	--

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Ўқув – услубий кенгашининг
2010 йил 15.09 № 2 сон мажлисида кўриб чиқилди
ва нашр этишга тавсия қилинди

© Х.М.Маматқулов , М.И. Даминов . СамИСИ- 2010 йил.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	4
1. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фанининг ўқув дастури	5-17
2. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фанининг фан дастури	18-49
3. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фани бўйича таълим технологиясининг концептуал асослари	50-53
4. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фани бўйича ЖН,ОН,ЯН саволлари	54
5. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фани бўйича ретинг (баҳолаш) мезони	
6. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фан бўйича мустақил иш мавзулари	
7. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фанининг ахборот – услубий таъминоти ...	
8. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фани бўйича маъруза матни	
9. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фани бўйича презентация усули Power Point дастурида илова қилинади	
10. «Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фанининг таълим технологияси	
Мавзу 1 Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари..	55-71
Мавзу 2 Меҳмонхона корхоналари: тушунчалар, классификацияси ва типологияси.....	72-82
Мавзу 3 Меҳмондустлик индустрияси тараққиёти ва унинг ҳозирги замон ҳолати	83-88
Мавзу 4 Туризмда меҳмонхона хизматларини ташкил этиш	89-95
Мавзу 5 Меҳмонхоналарнинг асосий хизматлари ва уларни ташкил этиш	96-109
Мавзу 6 Меҳмонхона ходимларининг мижозлар билан ишлаши	110-116
Мавзу 7 Меҳмонхоналарнинг туристик фирмалар билан ўзаро муносабатлари	117-123
Мавзу 8 Меҳмонхона маҳсулотлари тузилишида анимацион хизматлар кўрсатишни ташкил этиш	124-132
Мавзу 9 Меҳмонхоналарда қўшимча хизматларни тақдим этиш ва ташкиллаштириш	133-141
Мавзу 10 Меҳмондўстлик индустриясида маркетинг хизматлари	142-156
Мавзу 11 Меҳмонхоналарда бошқарув хизматлари	157-163
Мавзу 12 Меҳмонхоналарда санитария-гигиеник хизматларни ташкил этиш..	164-175
Мавзу 13 Меҳмонхоналарда ички ташкилий қоидаларни белгиловчи ҳужжатлар	176-182
Мавзу 14 Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш психологияси	183-190
Мавзу 15 Меҳмонхоналарда автоматлаштирилган ахборотлар тизими хизматлари	191-197
Мавзу 16 Меҳмонхоналарда овқатлантириш хизматини ташкил қилиш	198-209
«Меҳмонхона ва туристик комплексларида хизматларни ташкил этиш» фан бўйича тест саволлари.....	
Ахборот – услубий таъминот.....	210-212

КИРИШ

Туристтик индустриянинг муҳим тармоқларидан бири меҳмонхона индустрияси бўлиб ҳисобланади. Меҳмонхона индустрияси энг муҳим туристик хизматлар (ташиш билан бир қаторда) – жойлаштириш хизматларини тақдим этиш учун ихтисослаштирилади. Бир қатор ҳолларда меҳмонхона ишларига овқатлантириш хизматлари ҳам қўшилади. Бу билан замонавий меҳмонхона хизматлари туристларга хизмат кўрсатишнинг комплекс пакети шаклини олади. Шу муносабат билан меҳмонхона ишлари соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг долзарб муаммоси вужудга келади. Бизнинг мамлакатимизда олий таълим мутахассислиги энг кенг тарқалган. У «Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш» таълим йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашни кўзда тутди. Унда «Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш» фанини ўрганишга мўлжалланган.

Ҳозирги пайтда бугун дунёда меҳмонхона ишлари бўйича жуда кўп ўқув адабиётлари чиқарилган. Ушбу адабиётлар учта катта гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳни меҳмонхона ишлари профессионаллари учун амалий қўлланмалар ва ишланмалар ташкил қилади. Иккинчи гуруҳда луғат билан турли хилдаги спровочниклар келтирилган. Ва ниҳоят, учинчи гуруҳни олий ўқув юртлари талабалари учун кўп сонли қўлланмалар, меҳмонхона менежментига тегишли турли саволларни ўз ичига олган услубий материаллар эгаллаган.

Муаллиф «Хизмат кўрсатиш ва туристик хизматларни ташкил этиш» Давлат таълим стандартлари талабларига асосланиб ва меҳмонхона бизнеси ҳозирги замон амалиётига таяниб ўқувчилар диққатини унча катта бўлмаган, аммо анча ҳажмдор меҳмонхона хизматларини ташкил этиш курсига тортади. Бу олий ўқув юртларининг юқори курс талабаларига мўлжалланган. Ушбу ишда қуйидаги саволлар ўз ифодасини топган:

- меҳмондорчилик индустриясининг тараққиёти ва ҳозирги аҳволи;
- меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари;
- меҳмонхона корхоналари: тушунчалар, классификацияси ва типологияси;
- меҳмондустлик индустрияси тараққиёти ва унинг ҳозирги замон ҳолати;
- туризмда меҳмонхона хизматларини ташкил этиш;
- меҳмонхоналарнинг асосий хизматлари ва уларни ташкил этиш;
- меҳмонхона ходимларининг миқдорлар билан ишлаши;
- меҳмонхоналарнинг туристик фирмалар билан ўзаро муносабатлари;
- меҳмонхона маҳсулотлари тузилишида анимацион хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;
- меҳмонхоналарда қўшимча хизматларни тақдим этиш ва ташкиллаштириш;
- меҳмондўстлик индустриясида маркетинг хизматлари;
- меҳмонхоналарда бошқарув хизматлари;
- меҳмонхоналарда санитария-гигиеник хизматларни ташкил этиш;
- меҳмонхоналарда ички ташкилий қоидаларни белгиловчи ҳужжатлар;
- меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш психологияси;
- меҳмонхоналарда автоматлаштирилган ахборотлар тизими хизматлари;
- меҳмонхоналарда овқатлантириш хизматини ташкил қилиш;
- ахборот – услубий таъминот;
- туристик хизмат кўрсатиш тузилмасида меҳмонхона хизматлари;
- меҳмонхона корхоналари, уларнинг классификацияси ва типологияси;
- меҳмонхона корхоналарининг асосий хизматлари;
- қўшимча меҳмонхона хизматларини ташкил этиш ва тақдим қилиш.

Қўлланма шунингдек ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари учун ҳам асқотади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ _____

20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлигининг 20__ йил
«__» _____даги «__»-сонли
буйруғи билан тасдиқланган

«МЕҲМОНХОНА ВА ТУРИСТИК КОМПЛЕКСЛАРДА ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» фанининг ЎҚУВ ДАСТУРИ

Хизмат кўрсатиш

соҳаси: 810000

Мутахассисликлар: 5A811703 - Хизмат кўрсатиш ва туристик
хизматларни ташкил этиш

Тошкент 2010

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услубий бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2010 йил «___» _____ даги «___»-сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фанинг ўқув дастури Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ишлаб чиқилди.

Тузувчи:

Х.М.Маматкулов – «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси
доценти

Такризчилар:

М.Қ. Пардаев – «Статистика» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор
М.А.Хошимов – «Халқаро туризм ва туризм сервиси» кафедраси
доценти



Фаннинг ўқув дастури Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти Илмий кенгашида тасдиқлашга тавсия қилинган (2010 йил ___ августдаги 1-сонли баённома)

КИРИШ

Туризм ўзининг кўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. У иқтисодиётнинг кўпгина жабҳаларини ривожлантиришга имкон туғдиради. Жумладан, транспорт тармоқлари, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, каммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, савдо тармоқлари ва ҳ.к. Туризмни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида ўзига хос дам олиш, ҳордиқ чиқариш, кўнгил очар масканлар индустриясини ташкил этиб, ўз ўрнида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор соҳаларни қамраб олгандир.

Туризм ўзида жаҳон иқтисодиётининг мураккаб ва мажмуавий соҳаларини мужассам этганки, бу бутун жаҳон хўжалигига сезиларли таъсир ўтказди. Алоҳида мамлакатлар хўжалигига ҳам, ҳудудларга ҳам у бирдай тегишли. Айрим мамлакатларда халқаро туризм валюта тушумларининг ягона манбаи ҳисобланади. Унинг шарофати билан иқтисодий тараққиёт юқори даражаси ва халқ турмуш фаровонлиги қўллаб –қувватланиб турилади.

Жаҳон товарлар ва хизматлар экспортида ҳозирги пайтда туризм улушига бутун жаҳон экспортининг 8%га яқини, жаҳон хизматлар савдосининг 30%, жаҳон ялпи маҳсулотининг 11%, жаҳон капитал қўйилмаларининг 9%, жаҳон истеъмол харажатларининг 11%, бутун дунё солиқ тушумларининг 5% тўғри келди. Бундан ташқари, туризм аҳолининг бандлигига анчагина таъсир ўтказмоқда. Мутахассислар баҳосича, ҳозирги замон туризми ва унинг билан боғлиқ соҳаларида жаҳондаги ҳар саккизинчи ходим банд. Туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг уч етакчи экспорт соҳалари қаторига киради. У фақатгина нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда автомобилсозлик саноатларидангина кейин туради.

Туризм жаҳоннинг кўпчилик давлатларида ягона тизим сифатида ривожланмоқда ва мамлакатлар бюджетига салмоқли даромад келтиради. Шунингдек жуда кўпчилик туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга ёрдам кўрсатади. Туризм на фақат энг йирик, балки жаҳон иқтисодиётининг энг динамик ҳолатда ривожланаётган секторларидан биридир. У тез суратларда ўсиши билан юз йилликнинг иқтисодий феномени сифатида тан олинган. XX аср иккинчи ярми давомида халқаро туристлар сони сал кам 28 марта кўпайди. Бу хизмат туридан тушумлар эса 237 мартага ортди.

Бутун дунё бўйича туристик хизматларга ўсиб бораётган талаб энг аввало ижтимоий–иқтисодий сабаблар билан изоҳланади (умумий даромадлар ўсиши ва бўш вақтнинг кўпайиши, ҳақ тўланадиган таътиллار муддати кўпайиши, нафақа таъминотининг етарли даражаси оила таркибини болалар камайиши эвазига ўзгариши ва ҳ.к). Шунингдек транспорт тараққиётидаги ўсиш, уни арзонлашиши ва ҳамманинг қурби етиши, валюта чекловларининг камайирилиши ёки бекор қилиниши, виза режимининг либераллаштирилиши кабилар

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Фаннинг ўқилишидан мақсад-фаннинг назарий асоси бўлган қуйидаги тизим: Табиат – жамият – ишлаб чиқариш – атроф-муҳитни муҳофаза қилишларни бир-бирига чамбарчас боғланган ҳолда ўрганади. Албатта, ишлаб чиқаришнинг ҳудудий ташкил этиш қонуниятларини, шаклларини, омилларини, дунё сиёсий ва иқтисодий харитасини шаклланишини ёритади. Фаннинг асосий вазифаси – талабаларда меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш бўйича билим ва кўникмалар ҳамда тушунчалар ҳосил қилиш. Дунё меҳмонхоналарида кўрсатиладиган хизмат кўрсатиш турлари билан таништиришдир.

Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар.

«Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- тадқиқот вазифаларини ифодалашни, тадқиқот режасини тузишни, ахборот технологияларини жалб қилган ҳолда библиографик ишларни бажаришни *билиши керак*.
- зарур тадқиқот услубларини танлаш бўйича, аниқ тадқиқот вазифаларига асосланиб, мавжуд услубларни ўзгартириш ва янги услубларни ишлаб чиқиш бўйича, олинган натижаларни ишлаш бўйича, уларни адабиётлардаги мавжуд маълумотларни ҳисобга олиб таҳлил қилиш ва мушоҳада юритиш бўйича *кўникмаларга эга бўлиши керак*.
- бажарилган ишлар якунларини таҳрир қила олиши ҳақида, матбуотнинг замонавий воситаларини қўллаб, талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳисоботлар, рефератлар, мақолалар, маърузалар тезислари шаклида тақдим эта олиш.
- компьютер ва ахборот технологиялардан фойдалана олишнинг амалий кўникмалари ҳақида, Интернет тармоғидан фойдаланиш ҳақида, тақдимотлар тайёрлаш ҳақида, SWOT-таҳлили ҳақида, талабаларни рейтинг баҳолаш ҳақида, мустақил иш ҳақида *малакаларига эга бўлиши керак*.

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги.

«Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш» фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, 1-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган умумметодолгик (фанларнинг фалсафий масалалари, педагогика ва психология, амалий хорижий тил), мутахассислик (туризмда расмийлаштирилган, турфирмалар молиявий хўжалик фаолияти таҳлили, экологик туризмни ташкил этиш ва ҳ.к.) ва илмий фаолият (илмий педагогик иши, илмий тадқиқот иши) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни.

«Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш» фанининг ишлаб чиқаришдаги ўрни муҳим саналади, чунки туризм соҳасидаги барча таълим йўналишлари ишлаб чиқариш амалиёти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар ва ишлаб чиқариш амалиётида қандай ҳужжатлар кераклигини ўрганиб боришади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг «Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш» фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги инфорацион-педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материалларидан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан, жумладан, Power Point дастуридан кенг қўлланилади.

Асосий қисм

«Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш» фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари

Асосий тушунчалар: «Меҳмон», «Меҳмонхона», «Меҳмондўстлик», «Меҳмонхона комплекси», «Меҳмондўстлик индустрияси», «Меҳмонхона хўжалиги», «Туристтик комплекс ва бошқалар». Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари. Унинг бошқа фанлар билан алоқаси ва таркибий тузилиши.

Меҳмонхона корхоналари: тушунчалар, классификацияси ва типологияси

Меҳмонхона корхонаси тўғрисида тушунча. Меҳмонхоналарни ифодаловчи асосий белгилар. Меҳмонхоналарнинг функционал вазифалари. Замонавий меҳмонхоналарнинг турлари: туристик меҳмонхоналар, курорт меҳмонхоналари, таймшерлар, апартаментли меҳмонхоналар, автотуристлар учун мўлжалланган меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар ва бошқалар. Меҳмонхоналарнинг шинамлик даражаси бўйича классификацияланиши. Меҳмонхоналарни классификациялаш бўйича талаб қилинадиган ишлар тартиби. Меҳмонхоналарни классификациялашнинг хорижий тизими. Корхоналарнинг хизмат кўрсатиш белгилари.

Меҳмондўстлик индустрияси тараққиёти ва унинг ҳозирги замон ҳолати

Халқаро туризмнинг ривожланишида меҳмонхоналарнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Меҳмонхоналарнинг пайдо бўлиш тарихи, унинг босқичлари. Меҳмонхона сервиси асосчилари. Ҳозирги замон меҳмондўстлик индустрияси тараққиёти, унинг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро меҳмонхоналар интеграциялашуви. Дунёнинг энг йирик ҳозирги замон меҳмонхоналар занжири.

Туризмда меҳмонхона хизматларини ташкил этиш

Меҳмонхона хизматлари тушунчаси, хусусиятлари ва таърифи. Меҳмонхона маҳсулотлари комплекс хизматлар сифатидаги тушунча.

Меҳмонхоналарнинг асосий хизматлари ва уларни ташкил этиш

Меҳмонхоналарда ўринларни ва номер (хона)ларни бронлаштириш (олдиндан банд қилиш) хизматлари. Меҳмонларни қабул қилиш ва жойлаштириш тартиблари ва ўзига хос хусусиятлари. Номерлардан фойдаланиш хизматларини ташкил этиш. Меҳмонхонада хавфсизлик хизматлари. Меҳмонхона хўжалигида инженер-техник ходимлар хизматлари.

Меҳмонхона ходимларининг миждоз (клиент)лар билан ишлаши

Меҳмонхона корхоналари ходимларининг касбий этикаси. Меҳмонхона корхоналарининг миждозлари, уларнинг типлари. Меҳмонхона ходимларининг миждозлар билан муносабатлари хусусиятлари. Меҳмонхона ходимлари ва миждозлар ўртасидаги низом (жанжалли) вазиятлар. Улар ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш йўллари.

Меҳмонхонанинг туристик фирмалар билан ўзаро муносабатлари

Меҳмонхона корхонасининг туристик фирмалар вакиллари билан музокоралар олиб бориш хусусиятлари. Меҳмонхона корхоналарининг туроператорлар билан олиб бориладиган ўзаро муносабатларида таваккалчилик иш фаолиятлари шакллари. Меҳмонхона корхоналарининг туроператорлар билан олиб бориладиган хавф-хатарсиз ишларини умумий мазмуни. Томонлар ўртасида икки томонлама шартнома ҳужжатларини расмийлаштириш.

Меҳмонхона маҳсулотлари тузилишида анимацион хизматлар

Туризмда анимация тушунчаси ва унинг вазифалари. анимация типлари. Туризмда анимацион дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш технологияси. Курорт меҳмонхоналари, уларнинг анимацион бўш вақти фаолияти.

Меҳмонхоналарда қўшимча хизматларни такдим этиш ва ташкиллаштириш

Меҳмонхоналарда меҳмонларга овқатлантириш хизматини ташкиллаштириш. Меҳмонхоналарга билетларни (транспорт, театр, кино, концерт, музейлар учун) транспорт воситалари (енгил автомобил, мотоцикл, моторли ва моторсиз қайиқлар ва бошқ.)ни, ва бошқа турдаги асбоб – анжомларни ижарага бериш хизматлари. Меҳмонхонадаги меҳмонларга саёҳат ва экскурсия хизматлари, кутиб олиш-кузатиб қўйиш хизматларини ташкил этиш.

Меҳмондўстлик индустриясида маркетинг хизматлари

Хизмат тўғрисида тушунча ва унинг турлари. Меҳмонхона хўжалигида маркетинг тадқиқот (иш)лари, унинг хусусиятлари. Меҳмонхона

хизматларида бозор сегментлари. Меҳмонхона маҳсулотлари позицияси (ҳолати). Меҳмонхона соҳасида маркетинг стратегияси. Меҳмонхоналарда махсус маркетинг дастурлари ва хизмат кўрсатиш технологияси. Меҳмонхона бизнесида PR фаолияти.

Меҳмонхоналарда бошқарув хизматлари тизими

Меҳмонхона хўжалиги соҳасидаги ишлар ва уларнинг хусусиятлари. Меҳмонхона бизнесида бошқарув тизимининг тузилиши. Меҳмонхона корхоналарида ташкилий тузилиш. Асосий хизматлар турлари. Меҳмонхоналарда мижозлар билан ҳисоб-китоб ишларини юритиш. Меҳмонхоналарнинг узлуксиз ривожланишини бошқариш.

Меҳмонхоналарда санитария-гигиеник хизматларни ташкил этиш

Меҳмонхона хона (номер)ларининг таркиби ва майдони. Хоналарнинг санитария-техник жиҳозлар (водопровод, вентияция, совутиш, иситиш, канализация, электроэнергия, сигнализация, лифт, алоқа, механик транспортерлар ва бошқа.) хизматлари. Меҳмонхоналарнинг хона (номер)ларини сақлаш хизмати. Кир буюмларни ва тоза ювилган буюмларни сақлаш хизматлари. «Беш юлдузли» нуфузли меҳмонхоналарга бўлган умумий талаблар.

Меҳмонхоналарда ички ташкилий қоидаларни белгиловчи ҳужжатлар

Меҳмонхонада хоналарни тақсимлаш (бўлиш) – ходимларни бошқаришнинг асосий куролидир. Меҳмонхоналардаги лавозимли ўринлар, уларнинг вазифаси ва қонун-қоида (кўрсатма)ларни тузиш. Лавозимли ўринлар инструкцияси (кўрсатмаси) нинг тузилиши. Меҳмонхона ходимларининг бурчи.

Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш психологияси

Меҳмонхонада хизмат кўрсатиш психологияси. Меҳмонхона ходимларининг мижозлар билан муомила қилиш қоидалари ва стандарт (андоза)лари. Ходимларнинг касбий муомила қилиш тажрибалари. Мижозларни ходимлар томонидан хабардор қилиш ишлари. Ходимлар мавқеи. Мижозларга бўлган муносабатлар. Меҳмондорчилик индустриясида мижозларни жалб қилиш усуллари. Мижозларнинг хизматлардан қониқишини баҳолаш тизими. Хизмат кўрсатиш сифати аудити. Хизмат кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш.

Меҳмонхоналарда автоматлаштирилган ахборотлар тизими хизматлари

Меҳмонхоналарни бошқаришда (KEI - hotel) автоматлаштирилган тизими. Меҳмонхоналар жойлашишида автоматлаштирилган хизматлар. Ўринларни бронлаштириш хизматларининг модули. Ҳисоб-китоблар маркази.

Меҳмонхона номерлар фондига кириш ва номерларни бошқариш. Хавфсизлик хизматларини автоматлаштириш.

Меҳмонхоналарда овқатлантириш хизматини ташкил қилиш

Меҳмонхона ресторани фаолияти. Ресторан ходимларининг функцияси. Ресторанда хизмат кўрсатиш, унинг турлари. Меҳмонхона ошхонаси хусусиятлари. «Room Service» меҳмонхона номерларига хизмат кўрсатиш шакли.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Амалий машғулотларнинг тахминий тавсия этиладиган мавзулари:

- Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари
- Меҳмонхона корхоналари: тушунчалар, классификацияси ва типологияси
- Меҳмондорчилик индустрияси тараққиёти ва унинг ҳозирги замон ҳолати
- Туризмда меҳмонхона хизматлари
- Меҳмонхоналарнинг асосий хизматлари
- Меҳмонхона корхонаси ходимларининг мижоз (клиент)лар билан ишлаши
- Меҳмонхона корхонасининг туристик фирмалар ўртасидаги ўзаро муносабатлари
- Меҳмонхона маҳсулотлари тузилишида анимацион хизматлар
- Меҳмонхоналарда қўшимча хизматларни тақдим этиш ва ташкиллаштириш
- Меҳмондорчилик индустриясида маркетинг хизматлари
- Меҳмонхона хўжалигини бошқариш тизими
- Меҳмонхона хона (номер) ларини сақлашда санитария-гигиеник хизматларни ташкил этиш
- Меҳмонхоналарда ички ташкилий қоидаларни белгиловчи ҳужжатлар
- Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатиш психологияси
- Меҳмонхоналарда автоматлаштирилган ахборотлар тизими хизматлари
- Меҳмонхоналарда овқатлантириш хизматини ташкил қилиш

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Магистр мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

- 1 Меҳмондўстлик индустрияси тараққиёти омиллари
- 2 Меҳмондўстлик индустрияси тараққиётининг ҳозирги замон тенденцияси
- 3 Меҳмонхона индустриясида интеграция жараёнлари
- 4 Меҳмонхона хизматлари тушунчаси, унинг хусусиятлари ва таърифи
- 5 Меҳмонхона маҳсулотлари комплекс (мажмуавий) хизматлар сифатида
- 6 Меҳмонхоналар: тушунчалар, таърифлар ва классификация тизимлари
- 7 Меҳмонхоналарнинг шинамлик даражаси бўйича Классификацияси
- 8 Меҳмонхоналар типологияси
- 9 Меҳмонхоналарнинг функционал мўлжалланганлиги
- 10 Меҳмонхона фаолиятини лицензиялаш
- 11 Меҳмонхона хизматларини стандартлаш
- 12 Меҳмонхона хизматларини сертификациялаш
- 13 Меҳмонхона хизматларининг сифат кўрсаткичлари
- 14 Меҳмонхоналарда бронлаштириш хизматини ташкил этиш
- 15 Меҳмонхоналарда қабул қилиш ва жойлаштириш хизмати
- 16 Меҳмонхоналарда номер (хона) фондини эксплуатация қилиш ва хизмат кўрсатиш хизматлари
- 17 Меҳмонхоналарда хавфсизлик хизматини ташкил этиш
- 18 Меҳмонхоналарда муҳандислик-техник хизматини ташкил этиш
- 19 Меҳмонхона ходимларининг касбий одоби
- 20 Меҳмонхона корхоналарининг миқдорлари ва уларнинг типлари
- 21 Отел ходимларининг миқдорлар билан алоқаси ва унинг хусусиятлари
- 22 Меҳмонхоналарда низоли вазиятлар ва уларни бартараф этиш Усуллари
- 23 Турфирмалар вакиллари билан музокаралар олиб бориш хусусиятлари
- 24 Меҳмонхоналарнинг туроператорлар билан ўзаро ҳамкорлигида таваккалчилик билан ишлаш шакллари
- 25 Меҳмонхона корхоналарининг туроператорлар билан

- таваккалчиликсиз ишлаш йўллари
- 26 Шартнома ҳужжатларини расмийлаштириш
 - 27 Анимация тушунчаси ва унинг функцияси
 - 28 Анимация типологияси
 - 29 Анимацион дастурларнинг турлари ва уларни амалга ошириш
Технологиялари
 - 30 Курорт отелларининг анимацион-бўш вақт фаолияти
 - 31 Меҳмонхоналарда овқатланиш хизматларини ташкил этиш
 - 32 Меҳмонхоналарда билетларни бронлаштириш бўйича
хизматлар ва транспорт воситаларини ижарага олишни ташкил этиш
 - 33 Меҳмонхоналарда экскурсион хизматлар ва «кутиб олиш –
кузатиб қўйиш» хизматларини ташкил этиш

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

– Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологияларидан;

– маърузаларда ўтказиладиган тажриба машғулотларида кичик гуруҳлар мусобақалари, гуруҳли фикрлаш педагогик технологияларини қўллаш назарда тутилади.

Фойдаланадиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:

1. *Арбузова И. Ю.* Организация обслуживания в гостиницах и туристских комплексах. -М.: Альфа-М, 2001.
2. *Арзуманян Э. А.* Гостиничный и ресторанный сервис. - Саратов: СГСЭУ, 2000.
3. *Байлик С. И.* Гостиничное хозяйство. Проблемы, перспективы, сертификация. -Киев: ВИРА-Р, 2001.
4. *Байлик С. И.* Гостиничное хозяйство. Организация, управление, обслуживание: -Киев: ВИРА-Р, 2002.
5. *Баумгартен Л. В.* Управление качеством в туризме. Практикум. - М.: КноРус, 2008.
6. *Бондаренко Г. А.* Менеджмент гостиниц и ресторанов. - Мн.: Новое знание, 2006.
7. *Боуэн Док., Котлер Ф., Мейкенз Дж.* Маркетинг. Гостеприимство. Туризм. - М.: Юнити, 2007.
8. *Булыгина И. И., Гаранин Н. И.* Менеджмент туристской и гостиничной анимации. -М.: Советский спорт, 2006.
9. *Власова Т. И., Данилова М. М., Шарухин А. П.* Профессиональное и деловое общение в сфере туризма. - М.: Академия, 2007.

10. *Волков Ю. Ф.* Введение в гостиничный и туристический бизнес. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2003.
11. *Волков Ю. Ф.* Гостиничное и ресторанное дело, туризм: Сборник нормативных документов. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2006.
12. *Волков Ю. Ф.* Технологии гостиничного обслуживания. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2004.
13. *Волов А. Б., Иванов В. В.* Гостиничный менеджмент. - М.: Инфра-М, 2006.
14. *Денисенко А. В., Сенин В. С.* Гостиничный бизнес: классификация гостиниц и других средств размещения. - М.: Финансы и статистика, 2004.
15. *Джанджугазова Е. А.* Маркетинг в индустрии гостеприимства. - М.: Академия, 2005.
16. *Дурович А. П.* Маркетинг гостиниц и ресторанов. - Мн.: Новое знание, 2005.
17. *Елисеева Т. К., Косолапов А. Б.* Практикум по организации и менеджменту туризма и гостиничного хозяйства. - М.: КноРус, 2008.
18. *Ефимова О. П., Ефимова Н. А.* Экономика гостиниц и ресторанов. - М.: Новое знание, 2004.
19. *Жукова М. А., Сенин В. С., Чудновский А. Д.* Управление индустрией туризма. - М.: КноРус, 2007.
20. *Зайцева Н. А.* Менеджмент в сервисе и туризме. - М.: Форум, Инфра-М, 2007.
21. *Инграм Х., Медлик С.* Гостиничный бизнес / Пер. с англ. А. В. Павлова. - М.: Юнити, 2005.
22. *Карнаухова В. К., Краковская Т. А.* Сервисная деятельность. - М.: МарТ, 2005.
23. *Ковалев С. Н.* Гостиничный бизнес. Управление гостиницами. - СПб.: СПбГЭиУ, 2004.
24. *Кононыхин С. В.* Организация гостиничного и ресторанного хозяйства. - Донецк: ДИТБ, 2004.
24. *Курило Л. В.* Теория и практика анимации. Ч. 1. Теоретические основы туристской анимации. - М.: Советский спорт, 2006.
25. *Лесник А. Л., Смирнова М. Н.* Безопасность в гостиничных предприятиях. - М.: Талер, 2001.
26. *Лесник А. Л., Смирнова М. Н.* Маркетинг и реклама в гостиничном бизнесе. - М.: Талер, 2001.
27. *Лесник А. Л., Смирнова М. Н.* Международные системы классификации отелей. - М.: АС ПЛЮС, 2001.
28. *Линн Ван Дер Ваген.* Гостиничный бизнес. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2001.
29. *Лойко О. Т.* Туризм и гостиничное хозяйство. - Томск: ТПУ, 2005.
30. *Ляпина И. Ю.* Организация и технология гостиничного обслуживания. - М.: Альфа-М, 2001.
31. Менеджмент гостеприимства. СБ-диск / Под ред. А.Д. Чудновского. - М.: Равновесие, 2006.
32. Менеджмент туризма. Туризм как вид деятельности / Н. И. Гаранин, И. В. Зорин, Е. Н. Ильина, В. А. Квартальное и др. - М.: Финансы и статистика, 2001.
33. *Монтанер Х. Монтехано.* Структура туристического рынка / Под ред. Н. С. Мироненко. - Смоленск: СГУ, 1997.

34. Организация и управление гостиничным бизнесом. В 3 -х т. / Под ред. А. Л. Лесника, А. В. Чернышева, И. П. Мацицкого. - М.: Альпина, 2005.
35. Организация туризма / Под ред. Н. И. Кабушкина. - Мн.: Новое знание, 2005.
36. Романов В. А., Цветкова С. Н. Гостиничные комплексы: организация и функционирование. - Ростов-на-Дону: МарТ, 2007.
37. Руденко А. М. Психология социально-культурного сервиса и туризма. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2007.
38. Саак А. Э., Якименко М. В. Менеджмент в индустрии гостеприимства (гостиницы и рестораны). - СПб.: Питер, 2007.
39. Скобкин С. С. Практика сервиса в индустрии гостеприимства и туризма. - М.: Магистр, 2007.
40. Соловьев Б. Л., Толстова Л. А. Менеджмент гостеприимства. - М.: РМАТ, 1997.
41. Тимохина Т. Л. Организация приема и обслуживания туристов. - М.: Форум, 2007.
42. Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. А. Д. Чудновского. - М.: Юркнига, 2003.
43. Туризм и гостиничное хозяйство / Под ред. Л. В. Шматько. - Ростов-на-Дону: МарТ, 2007.
44. Уокер Док. Введение в гостеприимство. - М.: Юнити, 2002.
45. Уокер Дж. Управление гостеприимством. — М.: Юнити, 2006.
46. Федцов В. Г. Культура гостинично-туристского сервиса. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2008.
47. Филипповский Е. Е., Шмарова Л. В. Экономика и организация гостиничного хозяйства. - М.: Финансы и статистика, 2003.
48. Черевичко Т. В. Теория и организация рынка услуг гостеприимства. - Саратов: Научная книга, 2006.

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ВА ТУРИЗМ СЕРВИСИ»

КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

СамИСИ ўқув ишлари проректори

_____ **Бектемиров А.Б.**

«__» _____ 2010 й.

«МЕҲМОНХОНА ВА ТУРИСТИК КОМПЛЕКСЛАРДА

ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ»

ФАН ДАСТУРИ

Таълим

5A811703 – Хизмат кўрсатиш ва туристик

Йўналиш:

хизматларни ташкил этиш

1 – босқич магистрлари учун

Самарқанд – 2010

Ушбу ишчи ўқув дастури институт ўқув – услубий кенгашининг 2010 йил 18 августдаги 1 - сонли баённомаси билан тасдиқлаш учун тавсия этилди.

Институт ўқув – услубий кенгаш раиси: **доц. А.Б. Бектемиров**

Ушбу ишчи ўқув дастури кафедранинг 2010 йил 27 августдаги 1-сонли мажлис баённомаси билан тасдиқланган.

Кафедра мудири: **и.ф.д., проф. Тухлиев И.С.**

Тузувчи:

Х.М.Маматкулов – «Халқаро туризм ва туризм сервис» кафедраси
доценти

“МЕҲМОНХОНА ВА ТУРИСТИК КОМПЛЕКСЛАРДА ХИЗМАТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” ФАН ДАСТУРИ

1. Кириш. Туризм ўзининг кўп қиррали таркиби билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол таъсир ўтказиб келмоқда. У иқтисодиётнинг кўпгина жабҳаларини ривожлантиришга имкон туғдиради. Жумладан, транспорт тармоқлари, алоқа, йўл қурилиши, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, каммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш, сервис соҳаси, савдо тармоқлари ва ҳ.к. Туризмни ривожлантириш бир вақтнинг ўзида ўзига хос дам олиш, ҳордиқ чиқариш, кўнгил очар масканлар индустриясини ташкил этиб, ўз ўрнида сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор соҳаларни қамраб олгандир.

Туризм ўзида жаҳон иқтисодиётининг мураккаб ва мажмуавий соҳаларини мужассам этганки, бу бутун жаҳон хўжалигига сезиларли таъсир ўтказди. Алоҳида мамлакатлар хўжалигига ҳам, ҳудудларга ҳам у бирдай тегишли. Айрим мамлакатларда халқаро туризм валюта тушумларининг ягона манбаи ҳисобланади. Унинг шарофати билан иқтисодий тараққиёт юқори даражаси ва халқ турмуш фаровонлиги кўллаб –қувватланиб турилади.

Жаҳон товарлар ва хизматлар экспортида ҳозирги пайтда туризм улушига бутун жаҳон экспортининг 8%га яқини, жаҳон хизматлар савдосининг 30%, жаҳон ялпи маҳсулотининг 11%, жаҳон капитал қуйилмаларининг 9%, жаҳон истеъмол харажатларининг 11%, бутун дунё солиқ тушумларининг 5% тўғри келди. Бундан ташқари, туризм аҳолининг бандлигига анчагина таъсир ўтказмоқда. Мутахассислар баҳосича, ҳозирги замон туризми ва унинг билан боғлиқ соҳаларида жаҳондаги ҳар саккизинчи ходим банд. Туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг уч етакчи экспорт соҳалари қаторига киради. У фақатгина нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳамда автомобилсозлик саноатларидангина кейин туради.

Туризм жаҳоннинг кўпчилиқ давлатларида ягона тизим сифатида ривожланмоқда ва мамлакатлар бюджетига салмоқли даромад келтиради. Шунингдек жуда кўпчилиқ туристик хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга ёрдам кўрсатади. Туризм на фақат энг йирик, балки жаҳон иқтисодиётининг энг динамик ҳолатда ривожланаётган секторларидан биридир. У тез суратларда ўсиши билан юз йилликнинг иқтисодий феномени сифатида тан олинган. XX аср иккинчи ярми давомида халқаро туристлар сони сал кам 28 марта кўпайди. Бу хизмат туридан тушумлар эса 237 мартага ортди.

Бутун дунё бўйича туристик хизматларга ўсиб бораётган талаб энг аввало ижтимоий–иқтисодий сабаблар билан изоҳланади (умумий даромадлар ўсиши ва бўш вақтнинг кўпайиши, ҳақ тўланадиган таътиллار муддати кўпайиши, нафақа таъминотининг етарли даражаси оила таркибини болалар камайиши эвазига ўзгариши ва ҳ.к). Шунингдек транспорт тараққиётидаги ўсиш, уни арзонлашиши ва ҳамманинг қурби етиши, валюта чекловларининг

камайтирилиши ёки бекор қилиниши, виза режимининг либераллаштирилиши кабилар.

2.Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар. «Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида магистр:

- тадқиқот вазифаларини ифодалашни, тадқиқот режасини тузишни, ахборот технологияларини жалб қилган ҳолда библиографик ишларни бажаришни *билиши керак.*
- зарур тадқиқот услубларини танлаш бўйича, аниқ тадқиқот вазифаларига асосланиб, мавжуд услубларни ўзгартириш ва янги услубларни ишлаб чиқиш бўйича, олинган натижаларни ишлаш бўйича, уларни адабиётлардаги мавжуд маълумотларни ҳисобга олиб таҳлил қилиш ва мушоҳада юритиш бўйича *кўникмаларга эга бўлиши керак.*
- бажарилган ишлар якунларини таҳрир қила олиши ҳақида, матбуотнинг замонавий воситаларини қўллаб, талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ҳисоботлар, рефератлар, мақолалар, маърузалар тезислари шаклида тақдим эта олиш.
- компьютер ва ахборот технологиялардан фойдалана олишнинг амалий кўникмалари ҳақида, Интернет тармоғидан фойдаланиш ҳақида, тақдимотлар тайёрлаш ҳақида, SWOT-таҳлили ҳақида, талабаларни рейтинг баҳолаш ҳақида, мустақил иш ҳақида *малакаларига эга бўлиши керак.*

3.Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги. «Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш» фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, 1-семестрда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган умумметодолгик (фанларнинг фалсафий масалалари, педагогика ва психология, амалий хорижий тил), мутахассислик (туризмда расмийлик, турфирмалар молиявий ҳўжалик фаолияти таҳлили, экологик туризмни ташкил этиш ва ҳ.,к.) ва илмий фаолият (илмий педагогик иши, илмий тадқиқот иши) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

4.Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни. «Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш» фанининг ишлаб чиқаришдаги ўрни муҳим саналади, чунки туризм соҳасидаги барча таълим йўналишлари ишлаб чиқариш амалиёти ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар ва ишлаб чиқариш амалиётида қандай ҳужжатлар кераклигини ўрганиб боришади.

5.Фани ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар. Талабаларнинг «Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш» фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги информацион-педагогик

технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда маъруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материалларидан фойдаланилади. Маъруза ва амалий дарсларида мос равишдаги илғор педагогик технологиялардан, жумладан, Power Point дастуридан кенг қўлланилади.

6. Фаннинг ҳажми ва мазмуни

6.1. Фаннинг ҳажми

			1 семестр
Маъруза	42	соат	42 соат
Амалий (семинар)	42	соат	42 соат
Мутсақил иши	42		42
Жами	126		126

6.2. Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соат

1- Мавзу: Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари

Маъруза ҳажми 4 соат

Маърузанинг мақсади: Асосий тушунчалар: «Меҳмон», «Меҳмонхона», «Меҳмонновозлик», «Меҳмонхона комплекси», «Меҳмондорчилик индустрияси», «Меҳмонхона хўжалиги», «Туристтик комплекс ва бошқалар». Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари. Унинг бошқа фанлар билан алоқаси ва таркибий тузилиши.

Режа:

1. «Меҳмонхона», «Меҳмонновозлик», «Меҳмонхона комплекси» ва «Меҳмондўстлик индустрияси».
2. Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизмат кўрсатишни ташкил этиш фанининг предмети, объекти, мақсади ва вазифалари.

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар: Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этиладиган адабиётлар: 1, 2, 3, 6, 8, 10, 11, 12, 13, 14, 18, 21, 25, 29.

2. Мавзу: Меҳмонхона корхоналари: тушунчалар, классификацияси ва типологияси

Маъруза ҳажми 2 соат

Маърузанинг мақсади. Меҳмонхона корхонаси тўғрисида тушунча. Меҳмонхоналарни ифодаловчи асосий белгилар. Меҳмонхоналарнинг функционал вазифалари. Замонавий меҳмонхоналарнинг турлари: туристик меҳмонхоналар, курорт меҳмонхоналари, таймшерлар, апартаментли меҳмонхоналар, автотуристлар учун мўлжалланган меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар ва бошқалар. Меҳмонхоналарнинг шинамлик даражаси бўйича

классификацияланиши. Меҳмонхоналарни классификациялаш бўйича талаб қилинадиган ишлар тартиби. Меҳмонхоналарни классификациялашнинг хорижий тизими. Корхоналарнинг хизмат кўрсатиш белгилари.

Режа:

1. Меҳмонхона корхоналари: тушунчалар, таърифлар ва классификация тизимлари.
2. Меҳмонхоналарнинг шинамлик даражаси бўйича классификацияланиши
3. Меҳмонхоналарнинг бошқа классификацияси.
4. Меҳмонхоналар типологияси.
5. Меҳмонхоналарнинг функционал мўлжалланганлиги.

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этиладиган адабиётлар: 1, 2, 3, 6, 13, 14, 24, 27, 33.

3. Мавзу Меҳмондўстлик индустрияси тараққиёти ва унинг ҳозирги замон ҳолати

Маъруза ҳажми - 2 соат

Маъруза мақсади: Халқаро туризмнинг ривожланишида меҳмонхоналарнинг тутган ўрни ва аҳамияти. Меҳмонхоналарнинг пайдо бўлиш тарихи, унинг босқичлари. Меҳмонхона сервис асосчилари. Ҳозирги замон меҳмондўстлик индустрияси тараққиёти, унинг ўзига хос хусусиятлари. Халқаро меҳмонхоналар интеграциялашуви. Дунёнинг энг йирик ҳозирги замон меҳмонхоналар занжири.

Режа:

1. Туризм ва меҳмондўстлик индустрияси.
2. Меҳмондўстлик индустрияси тараққиётининг омиллари ва босқичлари.
3. Меҳмондўстлик индустрияси тараққиётининг ҳозирги замон тенденцияси.
4. Меҳмондўстлик индустриясида интеграция жараёнлари (меҳмонхоналар занжири).

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этилган адабиётлар: 1, 2, 3, 7, 12, 13, 19, 25, 29, 36, 39, 42, 47, 48.

4. Мавзу. Туризмда меҳмонхона хизматларини ташкил этиш

Маъруза ҳажми - 2 соат

Маъруза мақсади: Меҳмонхона хизматлари тушунчаси, хусусиятлари ва таърифи. Меҳмонхона маҳсулотлари комплекс хизматлар сифатидаги тушунча.

Режа:

1. Меҳмонхона хизматлари тушунчаси, хусусиятлари ва таърифи
2. Меҳмонхона маҳсулотлари комплекс хизматлар сифатида

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:

Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этилган адабиётлар: 1, 2, 3, 11, 12, 14, 15, 19, 21, 23, 25, 28, 32, 34, 36, 37, 39, 41, 42, 43, 46.

5. Мавзу. Меҳмонхоналарнинг асосий хизматлари ва уларни ташкил этиш

Маъруза ҳажми - 4 соат

Маъруза мақсади: Меҳмонхоналарда ўринларни ва номер (хона)ларни бронлаштириш (олдиндан банд қилиш) хизматлари. Меҳмонларни қабул қилиш ва жойлаштириш тартиблари ва ўзига хос хусусиятлари. Номерлардан фойдаланиш хизматларини ташкил этиш. Меҳмонхонада хавфсизлик хизматлари. Меҳмонхонада инженер-техник ходимлар хизматлари.

Режа:

1. Бронлашлаштириш хизматлари
2. Қабул қилиш ва жойлаштириш хизматлари.
3. Хизмат қилиш ва номерлардан фойдаланиш хизматлари
4. Хавфсизлик хизмати
5. Инженер-техник хизматлари

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этилган адабиётлар: 1, 2, 3, 6, 9, 11, 13, 15, 18, 20, 21, 22, 23, 26, 29, 33, 34, 35, 36, 37, 42, 43.

6. Мавзу. Меҳмонхона ходимларининг мижоз (клиент)лар билан ишлаши Маъруза ҳажми - 2 соат

Маъруза мақсади: Меҳмонхона корхоналари ходимларининг касбий этикаси. Меҳмонхона корхоналарининг мижозлари, уларнинг типлари. Меҳмонхона ходимларининг мижозлар билан муносабатлари хусусиятлари. Меҳмонхона ходимлари ва мижозлар ўртасидаги низом (жанжалли) вазиятлар. Улар ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш йўллари.

Режа:

1. Меҳмонхона корхоналари ходимларининг касбий этикаси.
2. Меҳмонхона корхоналарининг мижозлари ва уларнинг типлари.
3. Меҳмонхона ходимларининг мижозлар билан муносабати хусусиятлари.
4. Меҳмонхона ходимлари ва мижозлар ўртасидаги низолар.

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этилган адабиётлар: 1, 2, 3, 4, 6, 8, 11, 12, 14, 15, 17, 21, 23, 25.

7. Мавзу. Меҳмонхоналарнинг туристик фирмалар билан ўзаро муносабатлари Маъруза ҳажми - 2 соат

Маъруза мақсади: Меҳмонхонанинг туристик фирмалар вакиллари билан музокоралар олиб бориш хусусиятлари. Меҳмонхоналарнинг туроператорлар билан олиб бориладиган ўзаро муносабатларида таваккалчилик иш фаолияти шакллари. Меҳмонхоналарнинг туроператорлар билан олиб бориладиган хавф-хатарсиз ишларини умумий мазмуни. Томонлар ўртасида икки томонлама шартнома ҳужжатларини расмийлаштириш.

Режа:

1. Меҳмонхонанинг туристик фирмалар вакиллари билан музокоралар олиб бориш хусусиятлари.
2. Меҳмонхоналарнинг туроператорлар билан олиб бориладиган ўзаро муносабатларида таваккалчилик иш фаолияти шакллари.
3. Меҳмонхоналарнинг туроператорлар билан олиб бориладиган хавф-хатарсиз ишларини умумий мазмуни.
4. Томонлар ўртасида икки томонлама шартнома ҳужжатларини расмийлаштириш

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этилган адабиётлар: 1, 2, 3, 4, 11, 14, 16, 18, 23, 24, 27, 28, 33, 38, 43.

8. Мавзу. Меҳмонхона маҳсулотлари тузилишида анимацион

Хизматлар кўрсатишни ташкил этиш

Маъруза ҳажми - 2 соат

Маъруза мақсади: Туризмда анимация тушунчаси ва унинг вазифалари. Анимация типлари. Туризмда анимацион дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш технологияси. Курорт меҳмонхоналари, уларнинг анимацион бўш вақти фаолияти.

Режа:

1. Анимация тушунчаси ва унинг вазифаси.
2. Анимация типлари.
3. Анимацион дастурларнинг турлари ва уларни амалга ошириш технологияси.
4. Курорт меҳмонхона (отел)ларининг анимацион-бўш вақти фаолияти.

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этилган адабиётлар: 1, 2, 3, 4, 11, 14, 16, 18, 23, 24, 27, 28, 33, 38, 43.

9. Мавзу. Меҳмонхоналарда қўшимча хизматларни тақдим этиш ва ташкиллаштириш

Маъруза ҳажми - 2 соат

Маъруза мақсади: Меҳмонхоналарда меҳмонларга овқатлантириш хизматини ташкиллаштириш. Меҳмонхонларга билетларни (транспорт, театр, кино, концерт, музейлар учун) транспорт воситалари (енгил автомобил, мотоцикл, моторли ва моторсиз қайиқлар ва бошқ.)ни, ва бошқа турдаги

асбоб –анжомларни ижарага бериш хизматлари. Меҳмонхонадаги меҳмонларга саёҳат ва экскурсия хизматлари, кутиб олиш-кузатиб қўйиш хизматларини ташкил этиш.

Режа:

1. Овқатлантириш хизмати
2. Билетларни бронлаштириш, транспорт воситалари ва бошқаларни ижарага бериш хизматлари.
3. Экскурсия хизматлари ва кутиб олиш-кузатиш хизматлари.

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
Мультимедия проектори ва слайдлар

Тавсия этилган адабиётлар: 1, 2, 3, 4, 8, 11, 16, 19, 24, 25, 27, 34, 44, 48.

10. Мавзу. Меҳмондўстлик индустриясида маркетинг хизматлари

Маъруза ҳажми - 4 соат

Маъруза мақсади: Хизмат тўғрисида тушунча ва унинг турлари. Меҳмонхона хўжалигида маркетинг тадқиқот (иш)лари, унинг хусусиятлари. Меҳмонхона хизматларида бозор сегментлари. Меҳмонхона маҳсулотлари позицияси (ҳолати). Меҳмонхона соҳасида маркетинг стратегияси. Меҳмонхоналарда махсус маркетинг дастурлари ва хизмат кўрсатиш технологияси. Меҳмонхона бизнесида PR фаолияти.

Режа:

1. Хизмат тўғрисида тушунча ва унинг турлари.
2. Меҳмонхона хўжалигида маркетинг хизматлари усусиятлари.
3. Мҳмонхона хизматларида бозор сегментлари.
4. Меҳмонхона маҳсулотлари позицияси (ҳолати).
5. Маркетинг стратегияси.
6. Меҳмонхоналарда махсус маркетинг дастурлари ва хизмат кўрсатиш технологияси.
7. Меҳмонхона бизнесида PR фаолияти.

Мавзу бўйича қўлланувчи дидактик ва техник воситалар:
